



ЎЗБЕКИСТОНДА ҲИСОБ СИЁСАТИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ

и.ф.н., доц. Курбанбаев Журабек Эрвубаевич
Тошкент Кимё халқаро университети
ORCID: 0009-0009-8086-0070
jurabektfi@mail.ru

и.ф.д., проф. Ризаев Нурбек Кадирович
Тошкент Кимё халқаро университети.
ORCID: 0000-0001-5374-8045
rizayevnk220874@gmail.com

Аннотация. Мақолада республикамизда ҳисоб сиёсатини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талаблари асосида шакллантириш, унинг услубиётини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар берилган. Ҳисоб сиёсатини шакллантиришда унинг умумий, услубий, техникавий ҳамда ташкилий масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилган. Шунингдек, ҳисоб сиёсатини бухгалтерия мақсадларида ва солиқ мақсадларида ишлаб чиқиш, унга қўйилган талаблар, ҳисоб сиёсатига ўзгартиришлар киритиш, ҳисоб сиёсатида активлар ва мажбуриятларни акс эттириш тартиби масалалари баёни келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳосидаги ўзгаришлар, ҳисоб сиёсатидаги хатоликлар, молиявий ҳисобот, ҳисоб сиёсатининг услубий жиҳатлари.

ОРГАНИЗАЦИЯ УЧЕТНОЙ ПОЛИТИКИ В УЗБЕКИСТАНЕ НА ОСНОВЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ

к.э.н., доц. Курбанбаев Журабек Эрвубаевич
Ташкентский международный университет Кимё
д.э.н., проф. Ризаев Нурбек Кадырович
Ташкентский международный университет Кимё

Аннотация. В статье представлены научные предложения и практические рекомендации по формированию учетной политики в республике на основе требований международных стандартов финансовой отчетности, совершенствованию ее методологии. При формировании учетной политики особое внимание уделяется ее общим, методологическим, техническим и организационным вопросам. В отчете также упоминается разработка учетной политики для целей бухгалтерского учета и налогообложения, требования к ней, внесение изменений в учетную политику, порядок отражения активов и обязательств в учетной политике.

Ключевые слова: международные стандарты финансовой отчетности, учетная политика, изменения в учетной политике, ошибки в учетной политике, финансовая отчетность, методологические аспекты учетной политики.

ORGANIZATION OF ACCOUNTING POLICY IN UZBEKISTAN ON THE BASIS OF INTERNATIONAL STANDARDS

*PhD, assoc. prof. Kurbanbayev Jurabek Eruvbayevich
Kimyo International University in Tashkent
DSc, prof. Rizayev Nurbek Kadirovich
Kimyo International University in Tashkent*

Abstract. *The article presents scientific proposals and practical recommendations for the formation of accounting policy in the Republic on the basis of the requirements of international standards of financial reporting, improvement of its methodology. In the formation of accounting policy, special attention is paid to its general, methodological, technical and organizational issues. The report also mentions the development of accounting policy for accounting and tax purposes, the requirements for it, amendments to the accounting policy, the procedure for reflecting assets and liabilities in the accounting policy.*

Keywords: *international standards of financial reporting, accounting policy, changes in the account, errors in accounting policy, financial statements, methodological aspects of accounting policy.*

Кириш.

Республикамизда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот тизимини халқаро стандартларга ўтказиш ва уни мувофиқлаштиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифалар ижросини тўлиқ таъминлаб келинмоқда. Жумладан, даставвал Ўзбекистон республикаси ҳудудида молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари (МҲХС) ҳужжатларини қўлланилиши тан олинди, кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун молиявий ҳисоботнинг миллий стандартлари (МҲМС) лойиҳаси тайёрланди, МҲХС асосида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва 2023 йил якунлари бўйича молиявий ҳисоботни тайёрлашга доир тартиби ишлаб чиқилди, молиявий ҳисобот шакллари ва уларга қўйилган талаблар ишлаб чиқилди, амалдаги бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунга ўзгартиришлар киритиш ва уни халқаро талабларга мувофиқлаштириш ишлари бошланди, шунингдек, халқаро талаблардаги номувофиқликларни бартараф этиш мақсадида бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларини ўзбек тилидаги расмий мантани тайёрланди, акциядорлик жамиятларида молиявий ҳисоботлар халқаро стандартлар бўйича трансформация қилиниб келинмоқда.

Умуман олганда мамлакатмизда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни такомиллаштириш, миллий бухгалтерия ҳисоби стандартларини халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш, молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим этишнинг концептуал масалалари ҳамда услубиётини такомиллаштиришни тақозо этади. Буларнинг барчаси ҳисоб сиёсатини тўғри шакллантиришга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда ҳар қандай фирма ёки компания, ташкилот ҳисоб сиёсатисиз ўзининг мукамал бухгалтерия ҳисобини юрита олмайди, демаки, пул оқимларини (маблағларини) тўғри бошқара олмайди ёки самарали бошқарув қарорларини қабул қилишда муаммоларга дуч келиши мумкин.

Адабиётлар шарҳи.

Ҳисоб сиёсати тушинчасига халқаро ва миллий даражадаги иқтисодчи олимлар ва соҳанинг амалиётчи мутахассислари (аудиторлар, бухгалтерлар, таҳлилчилар) томонидан кўплаб таърифлар ҳамда турли ёндошувлар берилган. Ушбу таърифларнинг барчасида ягона бир мақсад мужассамлашганини кўриш мумкин, яъни ҳисоб сиёсати

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузишга қаратилган қоидалар мажмуидан иборат.

Биз асосан ҳисоб сиёсатига берилган тушинча ва таърифларни ёритишда халқаро ва миллий стандарт қоидалари билан чекланамиз. Демокчимизки, юқорида Президент қарорида келтириб ўтилган жумлага жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

“Ҳисоб сиёсатлари, ҳисоблаб чиқилган баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар” номли 8-сон БҲХСда қуйидаги таъриф шакллантирилган: Ҳисоб сиёсати - бу тадбиркорлик субъекти томонидан молиявий ҳисоботларни тайёрлашда ва тақдим этишда қўлланиладиган муайян тамойиллар, усуллар, одатлар, қоидалар ва амалиётлардир (БҲХС 8). Берилган таъриф аниқ ва тўғри мақсад учун йўналтирилган. Бизнинг амалиётимизда эса бунга бироз бошқачароқ ёндошилганини кўришимиз мумкин.

Масалан, миллий стандартда: “...ҳисоб сиёсати деганда хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш учун қўллайдиган усуллари, уларнинг принцип ва асослари билан биргаликдаги жамламаси тушунилади” деб таърифи берилган (БҲМС 1, 1998). Ушбу таърифдан кўриниб турибдики, бир вақтнинг ўзида бухгалтерия ҳисобини юритилиши ҳамда ҳисоб сиёсатини шакллаштирилишига хўжалик субъекти раҳбари масъул шахс сифатида ёндошилган.

Россия Федерацияси бухгалтерия ҳисоби қонунчилигида ҳисоб сиёсатига қўйидагича ёндошилади: “Низомнинг мақсадлари учун ташкилотнинг ҳисоб сиёсати деганда у томонидан қабул қилинган бухгалтерия ҳисоби усуллари - бирламчи кузатиш, харажатларни ўлчаш, жорий гуруҳлаш ва иқтисодий фаолият фактларини якуний умумлаштириш тушунилади. Бухгалтерия ҳисобини юритиш усулларига иқтисодий фаолиятни гуруҳлаш ва баҳолаш, активлар қийматини тўлаш, хўжалик жараёнлари, инвентаризацияни ташкил қилиш, бухгалтерия ҳисоби счётлар режасини қўллаш, бухгалтерия регистрларини шакллантириш ҳамда маълумотларни қайта ишлаш ва умумлаштириш каби усулларни ўз ичига олади” (ПБУ, 1/2008).

Россия ҳисоб сиёсатининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, ҳисоб сиёсатини шакллантириш хўжалик субъекти бухгалтерия ёки шунга тенглаштирилган шахслар томонидан амалга оширилиши ҳамда у раҳбари томонидан тасдиқланиши кўрсатиб ўтилган. Бизнинг амалиётда эса бундай қоида мавжуд бўлмасада, ҳисоб сиёсатини бош бухгалтер томонидан ишлаб чиқилиши ва у Кенгаш қарори ёки раҳбар буйруғи билан тасдиқланиши мумкинлиги белгиланади.

Бу борада МҲХСни мувоффақиятли қўллаётган Ҳиндистон тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, Ҳиндистонда бухгалтерия ҳисоби стандарти (Ind AS) да ҳисоб сиёсати ва уни шакллантириш масалалари халқаро стандарт (МҲХС) талабларига тўлиқ мувофиқлаштирилган. Масалан, ҳисоб сиёсатига берилган таъриф билан МҲХСда берилган таъриф ўртасида деярли фарқли жиҳатлари мавжуд эмас: “Ҳисоб сиёсати - бу молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этишда субъект томонидан қўлланиладиган ўзига хос принциплар, асослар, конвенциялар, қоидалар ва амалиётлар” (Ind AS, 8). Мазкур стандартда ҳисоб сиёсатини очиб бериш бўйича талаблар, бундан ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришларни очиб беришни истисно қилган ҳолатда, Ind AS 1 “Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш”да ўрнатилиши белгиланган.

Бухгалтерия ҳисоби, хусусан корхоналарда ҳисоб сиёсатини халқаро стандартлар талаблари асосида ривожлантириб бораётган Туркия давлати бой амалий тажрибага эга. Масалан, янги Турк тижорат кодексига кўра, юрисдиксиядаги айрим корхоналар бухгалтерия ҳисоби китоблари ва индивидуал ёки консолидацияланган молиявий ҳисоботларни Туркия бухгалтерия ҳисоби стандартлари (TAS) ҳамда Туркия молиявий ҳисобот стандартлари (TFRS) га тўғридан-тўғри таржима қилишлари шартлиги қатъий белгиланган. Туркияда “ҳисоб сиёсати молиявий ҳисоботларни тартибга солиш ва тақдим этиш билан боғлиқ тартиб ва тамойилларни ўз ичига олади, Бунда солиқ

солинадиган даромадларни аниқлашда корхоналар солиқ қонунчилигига мувофиқ зарур тузатишлар ва ҳисоб-китобларни амалга оширишлари шарт қилиб белгиланган” (TAS, 2022).

Яна бир иқтисоди ривожланган Японияда бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ: “Ҳисоб сиёсати - бу компания бошқариш учун молиявий ҳисоботни тайёрлашда фойдаланадиган ўзига хос принциплар ва процедуралардир. Бунга бухгалтерия ҳисобининг ҳар қандай усуллари, баҳолаш тизимлари ва ахборотни ошкор қилиш тартиб қоидалари киради”. Япония Бухгалтерия Стандартлари Кенгаши (ASBJ) томонидан 24-сонли “Ҳисоб сиёсатини ёритиб бериш, ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар ва хатоларни тузатиш” стандартини қайта кўриб чиқилганлиги юзасидан баёнот берилди (мазкур баёнот фақат япон тилида мавжуд) ((JGAAP, 2020).

АҚШнинг ҳисоб сиёсатини очиб беришга қаратилган тамойилларида: “Компанияларнинг ҳисоб сиёсати – бу бухгалтерия ҳисобининг умумқабул қилинган тамойилларига мувофиқ молиявий ҳисоботларни тузишдаги бухгалтерия ҳисобининг аниқ тамойиллари ва усуллари бўлиб, бу компанияларни бошқарувида молиявий ҳолат тўғрисида, пул маблағларнинг ҳаракати ва молиявий натижалар бўйича ишончли маълумотларни тақдим этишга қаратилади” (АРВ 22).

Мазкур тамойилда молиявий ҳисоботларни тақдим этувчи компаниялар томонидан қабул қилинган ҳисоб сиёсати унинг молиявий ҳолати, пул оқимлари ва операция натижаларига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкинлиги алоҳида таъкидлаб ўтилади. Натижада, ҳисоботларни тақдим этувчилар иқтисодий қарорларни қабул қилишда молиявий ҳисоботларни қай даражада аҳамиятли эканлиги ёки унинг самарадорлиги асосан, ҳисоб сиёсатини тўлиқ англаб етишига ва уни тўғри шакллантиришига боғлиқ бўлиб қолади.

Ижтимоий тармоқларда ҳисоб сиёсатига қўйидаги таъриф берилган: “Ҳисоб сиёсати - бу бухгалтерия ҳисобини юритиш усуллари бўлиб, у ўз ичига дастлабки кузатиш, харажатларни ҳисоблаш, гуруҳлаш ва иқтисодий фаолият натижаларини яқуний умумлаштиришдир” (wikipedia.org, 2024).

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан шуни хулоса қилиш мумкинки, халқаро бухгалтерия ҳисоби амалиётида ҳисоб сиёсати қўллашда тадбиркорлик субъекти томонидан консерватив ва агрессив ҳисоб сиёсатига ҳам ажратилган ҳолда амалга оширилмоқда. Консерватив ҳисоб сиёсати компанияларнинг ҳисобот давридаги молиявий натижаларини кмайтириб кўрсатишга ҳамда кейинги даврлардаги молиявий натижалари ва унга боғлиқ кўрсаткичларни ошириб кўрсатишга қаратилади. Ҳисоб сиёсатининг бу кўринишини танлаш компанияга йиллар давомида такомиллаштириб, молиявий фаолияти тенденциясини ошишини кўрсатишга имкон берадиган янада барқарор ёндашув ҳисобландаи. Энг муҳими, консерватив ҳисоб сиёсати инвесторлар учун ижобий ҳолатдир, чунки, улар компанияни йиллар кесимида фаолиятини (бизнесини) яхшиланиб бораётганлиги ҳақида маълумотларга эга бўлади.

Амалиётда қўлланилаётган агрессив сиёсатини танлаган компаниялар ўтган фаолиятига юқори баҳо беради, яъни бунда қўлланилган ҳисоб сиёсати аввалги йиллардаги фаолиятни юқори баҳолашга қаратилади. Лекин, бунда компаниянинг иш фаолиятини пасайишига олиб келадиган ҳолатлар бўлиши мумкин. Демак, бу ҳисоб сиёсатини танлашда эҳтиёткорлик талаб этилади, сабаби, агрессив ҳисоб сиёсати аудиторлар ёки инвесторларни келгусида бироз хавотирга солиб қўйиш эҳтимолини вужудга келтиради, яъни амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, бошқарувчилар томонидан фаолияти пасайган компания ҳақида нотўғри маълумотларни тақдим этиши хатари ошиб боради.

Республикамизда бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқлаштиришда иқтисодчи олимлар томонидан ҳисоб сиёсатини тузиш ва такомиллаштиришда қўйидагича таърифлар ва ёндошувлар берилган:

Ибрагимов томонидан қўйидаги фикрлар билдириб ўтилган: “Ҳисоб сиёсати – бу банк томонидан операцияларни акс эттириш, назоратни таъминлаш ҳамда молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этиш учун қабул қилинган аниқ бир тамойиллар, асослар, шартлар, қоидалар ва амалиётлардир” (Ибрагимов, 2022).

Хориж иқтисодчи олимларидан Смирнова (2005) ўзининг илмий асарида “Тижорат банкларнинг ҳисоб сиёсатида ҳисобнинг муҳим вариантларини ҳар хил операцияларда тўғри қулай бўлиши керак шунингдек, тижорат банкларнинг ҳисоб сиёсатини шакллантиришда узвий боғлиқ солиқларни режалаштириш ва баҳолай билишдир”.

«Ҳисоб сиёсати - бу бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш, юритиш ва молиявий ҳисобини тузиш ва топшириш учун муқобил тамойиллар, шарт ва қоидаларга асосланиб, хўжалик юритувчи субъект раҳбари томонидан қабул қилинган мақбул усуллар ва қоидалар мажмуаси тушинилади”. (Қурбонбоев, 2005).

Пардаев (2002) томонидан берилган изоҳда эса “Корхона ҳисоб сиёсати - бу корхонанинг ўзи учун аҳамиятли бўлган ва умумий қоидаларидан келиб чиққан ҳолда белгиланадиган ва эълон қиладиган бухгалтерия ҳисобининг шакл ва услублар тўпламидир”.

Жўраев (1998) эса, «Ҳисоб сиёсати - бу хўжалик субъектлари фаолиятини тартибга солувчи қонуний- меъёрий ҳужжатларда руҳсат этилган бухгалтерия ҳисобининг муқобил усуллари ва шакилларида корхона танлаб олган ҳамда эълон қилган бухгалтерия ҳисоби тизимидир».

Ҳошимов хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб сиёсатини бухгалтерия ҳисобини маълум қоидалар ва тамойиллар бўйича қўйидагича асослаган:

“Тамойил ва қоидаларнинг шундай мажмуини ўрнатиш керакки, уни амалда қўллаш ҳисоб юритишнинг максимал самарасини таъминласин”. Бунда самара деб молиявий ва бошқарув ахборотларни ўз вақтида шакиллантириш кенг доирадаги фойдаланувчилар учун ишончлилиги, раванлиги ва фойдалилигини таъминлаш тушуниланган”. (Ҳошимов, 2004).

Ғуломова (2004) эса корхоналар ҳисоб сиёсатини таркибий жиҳатдан 4 та қисмга ажратиб ўрганган бу қўйидагилар: умумий тартиблар, ҳисоб методикаси, ҳисоб техникси ҳамда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши - бухгалтерия ҳисобини ким томонидан юритилишини, бухгалтерия ишини танлаб олинган ташкилий шакилни кўрсатиш тавсия қилинган”.

Уразов (2005) томонидан қўйидагича таъриф берилган: “Ҳисоб сиёсати деганда хўжалик юритувчи субъект раҳбари томонидан бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузишнинг танланган аниқ қонуний усуллари ўзида мужассамлаштирувчи ва фойдаланувчиларнинг ахборот олиш талабларини тўлиқ қониқтиришга хизмат қилувчи ички меъёрий ҳужжат тушунилади”.

Қурбонбоевнинг (2005) илмий ишида ҳисоб сиёсатига берган таърифи қўйидагичадир, «Ҳисоб сиёсати - бу бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш, юритиш ва молиявий ҳисобини тузиш ва топшириш учун муқобил тамойиллар, шарт ва қоидаларга асосланиб, хўжалик юритувчи субъект раҳбари томонидан қабул қилинган мақбул усуллар ва қоидалар мажмуаси тушинилади”.

Бироқ бизнинг фикримизча “ушбу олимларнинг ишларида тижорат банкларни ҳисоб сиёсатини тузиш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари тадқиқ этилмаган. Ваҳоланки, бошқа корхоналарнинг бухгалтерия ҳисоб тизими тижорат банклариникидан бир мунча фарқ қилади ҳамда бозор муносабатлари шароитида тижорат банкларда ҳисоб сиёсатини тузиш ва такомиллаштиришда юқорида келтирилган ишлар етарли даражада кўрсатма бўла олмайди. Лекин келтирилган олимларнинг ишлари ушбу ишга назарий томонларини шакллантиришда катта хизмат қилди” (Муаллиф, 2024).

Юқорида ҳисоб сиёсатига меъёрий ҳужжатлар ва иқтисодчи олимлар томонидан берилган таърифларни умумлаштирган ҳолада қуйидаги таъриф шакллантирилди: “*Ҳисоб сиёсати - тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботлар тузиш учун қабул қилинган усуллар ва тамойиллар йиғиндисидир.*”

Тадқиқот методологияси.

Мақолани ёзиш давомида ҳисоб сиёсатини шакллантиришга оид адабиётлар шарҳи тўлиқ таҳлил этилган ҳолда, улардаги жаҳон ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг корхоналарда ҳисоб сиёсати, унинг ахамияти ва зарурияти, уни Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талабларига мувофиқлаштиришга берган фикр ва қарашлари атрофлича ўрганилди, шунингдек, ушбу фикрларга асосланган йўналишлар, жумладан хўжалик юритувчи субъектларда ҳисоб сиёсатини шакллантиришдаги асосий тамойиллар ва қоидалар белгиланди ҳамда тадқиқот йўналиши сифатида тадқиқот парадигмаси миқдорий, объектив ва илмий усуллардан фойдаланилди.

Тадбиркорлик субъектларида ҳисоб сиёсатини шакллантириш ва уни МҲХС талаблари асосида такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот жараён асосан дедуктив усулда амалга оширилди. Унда сабаб ва натижа кўринишидаги статистик дизайн ишлатилди. Ҳисоб сиёсатини шакллантириш масаласи юзасидан олиб борилган тадқиқот вазиятга боғлиқ эмас, чунки ҳисоб сиёсати тадбиркорлик субъектларнинг янги молия йили учун шакллантирилади ва ҳисобот йили давомида унга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиб борилади, албатта халқаро меъёрлар талаблари ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Марказий банк томонидан киритилган услубий ўзгаришлар асосида.

Ҳисоб сиёсатини шакллантириш ва уни МҲХСлари талабларига уйғунлаштириш бўйича олиб борилган натижаларни умумлаштириш келгуси молиявий ҳисоботни ишончилигини ортишига ва хўжалик юритувчи субъектлар учун инвестициялар ҳаракатини ошишини башорат қилишга, тушунтиришга олиб келди. Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларда ҳисоб сиёсатини оқилона ташкил этиш ва уни МҲХС асосида шакллантиришда танлаб олинган объектлардаги мавжуд натижаларни ишончилиги текширув ва кузатувлар асосида тасдиқланди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Фикримизни муҳим бўлган халқаро стандартлардан бири 8-сон БҲХС “Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳолари ва хатоликлар” номли стандартни ёритиб бериш билан бошлаймиз. Халқаро 8-сон БҲХСга асосан Ҳисоб сиёсати – бу ташкилот томонидан молиявий ҳисоботни тайёрлашда ва тақдим этишда қўлланадиган муайян тамойиллар, асослар, умумқабул қилинган шартлар, қоидалар ва амалий ёндашувлардир. Бу ерда “Сиёсат” сўзидан фойдаланиш ташкилотларга бухгалтерия ҳисобининг муқобил усулларида бири танлаш ҳуқуқини берилганлигини англатади.

Амалда халқаро стандартга мувофиқ, ҳисобот тузувчи ҳар бир ташкилотнинг ўз ҳисоб сиёсати мавжуд бўлади. 1-сон БҲХС талабига асосан ташкилот молиявий ҳисоботнинг бир қисми бўлган изоҳларда ўз ҳисоб сиёсатининг муҳим жиҳатларини ёритиб бериши белгиланган.

Ҳисоб сиёсатини танлаш.

Муайян операцияга, бошқа ҳодиса ёки ҳолатга нисбатан маълум бир МҲХС қўлланса, бундай объектга нисбатан қўлланадиган ҳисоб сиёсати ёки унинг қоидалари ушбу МҲХСдан фойдаланган ҳолда белгиланиши лозим.

Муайян операция, бошқа ҳодиса ёки ҳолатга нисбатан қўлланадиган МҲХС мавжуд бўлмаган тақдирда, ташкилот раҳбарияти ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишда ва қўллашда

ўз мулоҳазасидан фойдаланиши лозим. Бундай ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишда раҳбарият қўйидагиларга мурожаат қилиши керак:

МҲХСларда шунга ўхшаш ёки боғлиқ масалаларга тегишли талаблар;

Молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг концептуал асосида келтирилган активлар, мажбуриятлар, даромадлар ва харажатларнинг таърифлари, тан олиш мезонлари ва баҳолаш концепциялари. Шу ўринда савол туғилиши мумкин, Ташкилот муайян МҲХС билан тартибга солинмаган операцияга нисбатан ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишда яна қандай манбалардан фойдаланиши мумкин?

Бизнинг фикримизча, раҳбарият бухгалтерия ҳисоби бўйича стандартларни ишлаб чиқишда ўхшаш концептуал асосдан фойдаланадиган стандартлар ишлаб чиқувчи бошқа органларнинг энг сўнгги баёнотларини, бухгалтерияга оид бошқа адабиётларни ва соҳага оид қабул қилинган амалиётларни, улар юқорида келтирилган манбаларга зид келмаслиги шарти билан эътиборга олиши мумкин.

Ҳисоб сиёсатининг изчиллиги. МҲХСларда турли ҳисоб сиёсати ўринли бўлиши мумкин бўлган моддаларни тоифаларга ажратиш алоҳида талаб этилмаса ёки рухсат берилмаса, ташкилот ўхшаш операциялар, бошқа ҳодисалар ва ҳолатлар учун ҳисоб сиёсатини танлаши ва изчил қўллаши лозим. Агар муайян МҲХСда моддаларни бундай тоифаларга ажратиш талаб этилса ёки рухсат берилса, ҳар бир тоифага нисбатан ҳисоб сиёсати танланиши ва изчил қўлланиши лозим.

Ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар. 8-сон БҲХСга мувофиқ ташкилотга ўз ҳисоб сиёсатини ўзгартиришга қўйидаги ҳолларда рухсат берилади:

муайян МҲХС томонидан талаб этилса;

ҳисоб сиёсатини ўзгартириш молиявий ҳисоботда операцияларнинг, бошқа ҳодисаларнинг ва ҳолатларнинг ташкилот молиявий ҳолатига, молиявий натижаларига ёки пул оқимларига таъсири тўғрисида ишончли ва янада ўринли маълумотлар акс эттирилишига олиб келса.

Молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар ташкилотнинг молиявий ҳисоботини вақт ўтиши билан унинг молиявий ҳолати, молиявий натижалари ва пул оқимларидаги тенденцияларни аниқлаш учун қиёслаш имкониятига эга бўлишлари лозим. Шунинг учун, ҳисоб сиёсатига ўзгартириш киритиш юқорида кўрсатилган ҳолатлар натижаси бўлмаса, ҳисоб сиёсати даврлар аро изчил тарзда қўлланилади.

Ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришларни қўйидагиларда кўриш мумкин, масалан 16-сон БҲХС “Асосий воситалар” ёки 38-сон БҲХС “Номоддий активлар”га мувофиқ, активларни қайта баҳолаш бўйича ҳисоб сиёсатини дастлабки қўллаш ҳисоб сиёсатидаги ўзгариш ҳисобланади ва мазкур стандартга мувофиқ эмас, балки 16-сон БҲХС ёки 38-сон БҲХСга мувофиқ қайта баҳолаш тарзида қаралади.

Ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришларни қўллаш. Ташкилот муайян МҲХСни дастлабки қўллаш натижасида юзага келадиган ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришни ушбу МҲХСда белгиланган махсус ўтиш қоидаларига мувофиқ ҳисобга олиши лозим бўлади. Агар

ташкилот ҳисоб сиёсатини ихтиёрий равишда ўзгартирса ёки ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришга нисбатан қўлланадиган махсус ўтиш қоидаларини ўз ичига олмаган муайян МҲХСни дастлабки қўллашда ҳисоб сиёсатини ўзгартирса, ушбу ташкилот бундай ўзгаришларни ретроспектив тарзда қўллаши лозим. Юқоридаги икки ҳолатда ҳам ушбу ўзгаришни акс эттириш амалий имконсиз бўлган ҳолатлар инobatга олиниши лозим.

8-сон БҲХСда ретроспектив қўллаш ва ретроспектив қайта ҳисоблаш каби икки ўхшаш тушунча мавжуд. Уларни фарқлаш муҳим аҳамият касб этади:

1-жадвал

Ретроспектив қўллаш	Ретроспектив қайта ҳисоблаш
янги ҳисоб сиёсатини операциялар, бошқа ҳодисалар ва ҳолатларга нисбатан қўллашда, ушбу ҳисоб сиёсатини ҳар доим қўллангандек қўллашдир.	молиявий ҳисобот элементлари суммаларини тан олиш, баҳолаш ва ёритиб беришга оид ўтган давр хатоларини мутлақо йўл қўйилмагандек тузатишдир.

Ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришларни ёритиб бериш. Ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар бўйича ёритиб берилиши лозим бўлган маълумотлар ўзи ичига бундай ўзгаришнинг сабаблари ва тузатиш суммаларини олади. Бундай маълумотлар амалиётда ҳар бир ўзгариш бўйича алоҳида ёритиб берилади.

Ташкилот эълон қилинган, лекин ҳали кучга кирмаган янги МҲХСни қўлламаган бўлса, ушбу фактни ва дастлабки қўллаш даврида ушбу янги МҲХСни қўллаш ташкилот молиявий ҳисоботида кўрсатиши мумкин бўлган таъсирини баҳолаш учун маълум бўлган ёки асосланган тарзда баҳоланиши мумкин бўлган ўринли маълумотларни ёритиб бериши лозим. *Ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар.* Хўжалик фаолиятига хос бўлган ноаниқликлар натижасида, молиявий ҳисоботидаги кўп моддалар аниқ баҳолана олмайди, балки фақат ҳисоб баҳоси орқали баҳоланиши мумкин. Ҳисоб баҳолари энг сўнгги ва ишончли маълумотга асосланган мулоҳазаларни ўз ичига олади. Масалан, кўйидагиларга нисбатан ҳисоб баҳолари талаб этилиши мумкин:

- умидсиз қарзлар;
- захираларнинг жисмоний эскириши;
- молиявий активлар ёки молиявий мажбуриятларнинг ҳаққоний қиймати;
- эскириш ҳисобланадиган активларнинг фойдали хизмат муддати;
- кафолат мажбурияти.

Ҳисоб баҳосидаги ўзгариш - активлар ва мажбуриятларнинг жорий ҳолатини ҳамда улар билан боғлиқ бўлган, кутилаётган келгуси нафлар ва жавобгарликларни баҳолаш натижасида актив ёки мажбуриятнинг баланс қийматини ёки активнинг даврий истеъмоли суммасини тузатишдир.

Ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар янги маълумотлар ёки воқеалар ривожини натижасида юзага келади ва шу сабабли, хатоларни тузатиш ҳисобланмайди.

2-жадвал

Ҳисоб сиёсати ва ҳисоб баҳоси ўртасидаги фарқ

Номи	Ҳисоб сиёсати	Ҳисоб баҳолари
Мазмуни	Тамойиллар ва қоидалар	Миқдор ёки тахминлар
Мисоллар	Бошланғич қийматдан ҳаққоний қийматга ўтиш	Резервни ҳаққоний қиймат бўйича белгилашга ўтиш
Ҳисобда акс эттириш	Ретроспектив	Перспектив

Ўтган даврдаги хатолар. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботларда муҳим хатолар бўлса, молиявий МҲХСларга мувофиқ деб ҳисобланмайди. Потенциал хатолар молиявий ҳисобот яқунланмасдан олдин топилиши мумкин, бу ҳолда улар ҳисобот тасдиқланишга тақдим этилгунга қадар тузатилади. Аммо, баъзида кейинги ҳисобот давригача хато аниқланмаслиги мумкин. Бундай хато "ўтган давр хатоси" деб номланади.

8-сон БҲХСга мувофиқ ўтган давр хатолари – ташкилотнинг бир ёки ундан ортиқ ўтган даврлар учун молиявий ҳисоботидаги тушириб қолдиришлар ва нотўғри кўрсатишлар бўлиб, мазкур даврлар учун молиявий ҳисобот эълон қилиш учун маъқулланганда мавжуд бўлган ва мазкур молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этишда қўлга киритилиши ва ҳисобга олиниши асосланган тарзда мумкин деб ҳисобланган ишончли маълумотдан фойдаланмаслик ёки нотўғри фойдаланиш натижасида юзага келади. Бундай хатолар математик хатолар, ҳисоб сиёсатини қўллашдаги хатолар, эътиборсизлик ёки фактларни нотўғри талқин қилиш оқибатларини ва фирибгарликни ўз ичига олади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки хорижий амалиётда ҳам ҳисоб сиёсатининг таркиби қандай бўлиш керак деган саволга аниқ жавоб берилмаган, чунки унинг таркиби соҳа ва тармоқларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда

шакллантирилиши ва хажми жихатдан муаян чекловлар бўлиши кўзда тутилмаган. Масалан, корпоратив бошқарув тизимидаги бухгалтерия ҳисоби ҳисоб сиёсати асосан қуйидаги тўрт бўлимдан иборат бўлишлиги талаб этилади, жумладан:

- умумий бўлим (ҳисоб сиёсатининг меъёрий-ҳуқуқий асосларига таянилади);
- услубий бўлим (бухгалтерия ҳисоби объектларини баҳолаш тартиби шакллантирилади);
- техникавий бўлим (ҳисоб юритиш шакллари, ҳисобварақлар тартиби кабилар танлаб олинади);
- ташкилий бўлим (бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш, унинг таркибий тузилиши белгиланади).

3-жадвал

Тадбиркорлик субъектларида ҳисоб сиёсатининг таркибий тузилиши

Бўлим номи	Таркиби
Умумий бўлим	Ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари, тамойиллари акс эттирилади
Услубий (методика) бўлим	Бухгалтерия ҳисоби объектлари (кредит, лизинг, факторинг, инвестиция, андеррайтинг, қиматли қоғозлар, асосий воситалар, кам баҳоли тез эскирувчи буюмлар, номоддий активлар, фоизлар, депозитлар, капитал, дивиденд, валюта операциялари, мажбуриятлар...)ни баҳолаш ва амортизация ҳисоблаш тартиби акс эттирилади.
Техник бўлим	Ҳужжатлар айланиши, бухгалтерия ҳисоби регистрлари ва уларни юритиш, хўжалик операциялари ҳисобини юритиш, ҳисобварақларга ёзувлар қилиш, ички назоратни ташкил этиш тартиблари баён этилади.
Ташкилий бўлим	Бош бухгалтерга қўйилган малакавий талаблар, вазифалари, ҳуқуқлари, жавобгарлиги. Бухгалтерия хизматларини ташкил этиш ва уларнинг вазифалари. Бухгалтерия аппаратининг тузилмаси баён этилади.

Тадбиркорлик субъектлар МҲҲСлари талаблари бўйича ўз молиявий ҳисобот шакллари сифат жиҳатдан қайта кўриб чиқшини зарурият қилиб қўймоқда.

Бизнинг фикримизча корхонанинг “Ҳисоб сиёсати”да қуйидагилар очиб бериши лозим:

биринчидан, молиявий ҳисоботларни тайёрлашда фойдаланилган баҳолаш асосларини;

иккинчидан, молиявий ҳисоботларни тушунишда ўринли бўлган қўлланилган бошқа ҳисоб сиёсатларини.

Баҳолаш асослари сифатида ҳисоб объектларининг бошланғич қиймати, жорий қиймат, соф сотиш қиймати, ҳаққоний қиймат ёки қопланадиган суммалар олинади. Ушбу маълумотлар таҳлил қилиш учун зарурий маълумотлар ҳисоблайди.

Агар тадбиркорлик субъекти молиявий ҳисоботларда бирдан ортиқ баҳолаш асосини қўлласса, масалан активларнинг муайян турлари қайта баҳоланганда, ҳар бир баҳолаш асоси қўлланилган активлар ва мажбуриятларнинг таркиби кўрсатилади.

Тадбиркорлик субъектларида муайян ҳисоб сиёсатининг очиб берилиши кераклиги тўғрисида қарор қабул қилинганда, фойдаланувчилар акс эттирилган молиявий натижаларга ва молиявий ҳолатга операцияларнинг, бошқа ҳодисаларнинг ва шароитларнинг таъсирини тушуниши учун бундай маълумотларнинг очиб

берилиши қай даражада ёрдам бериши мумкинлиги раҳбарият томонидан кўриб чиқилади.

Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларида шакллантирилаётган ҳисоб сиёсати икки муҳим ҳолатга бухгалтерия нуқтаи назардан ва солиққа тортиш нуқтаи назардан хизмат қилиши талаб этилмоқда. Демак, ҳисоб сиёсатни халқаро стандартлар талаблар асосида ишлаб чиқишда:

Биринчи, бухгалтерия ҳисоби мақсадлардаги ҳисоб сиёсати;

Иккинчи, солиқ солиш мақсадлардаги ҳисоб сиёсатини шакллантириш талаб этилади.

Ҳар икки мақсадларда ҳисоб сиёсатини шакллантириш, унинг таркиби, унга қўйилган умумий талаблар, ҳисоб сиёсатига ўзгартиришлар киритиш, уларда корхона маблағлари ва манбаларини, яъни активлар ва мажбуриятлари ҳамда хусусий капиталини акс эттириш, ҳисоб сиёсатини мустақил услубиётини яратиш масаларини ўз ичига олиши лозим бўлади.

Фикримизча, бухгалтерия ҳисоби мақсадларидаги ишлаб чиқиладиган ҳисоб сиёсати қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланилади:

Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонун;

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари;

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари;

Шунингдек, бухгалтерия ҳисоби мақсадлари учун ишлаб чиқиляётган ҳисоб сиёсатида тадбиркорлик субъектининг ўзига хос хусусиятлари ва фаолиятига қараб қуйидаги асосий масалалар кўриб чиқилади:

ҳисобварақлар режаси (ишчи ҳисоблар режаси);

бухгалтерия ҳужжатлари, ҳисоб регистрлари ва шакллари;

товар-моддий захираларни харид қилиш ва сотишдаги баҳолаш усуллари (ҳақиқий таннарх, бозор нархи, режа таннарх, ФИФО, АВЕКО).

амортизацияланувчи активларга амортизацияни ҳисоблаш усуллари (тўғри чизиқли, ишлаб чиқариш ва тезлаштирилган усул);

даромадларни шакллантириш ва соф фйдани аниқлаш кабилар.

Солиқ ва солиққа тортиш мақсадларида ишлаб чиқиладиган ҳисоб сиёсати қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланилади:

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси;

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари.

Ҳисоб сиёсатини солиқ ва солиққа тортиш мақсадлари учун ишлаб чиқиляётганда қуйидаги асосий масалалар ёртиб берилиши керак:

даромадларни тан олишда ҳисоблаш усули бўйича юритиш;

мустақил равишда ишлаб чиқилган солиқ регистрларининг шакли ва уларни тузиш;

солиқ ва солиққа тортиш мақсадларида алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиш тартиби;

фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш мақсадида сарфларни харажатларга олиб бориш ҳамда қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олишнинг танланган усуллари;

хеджирлаш операциялари ва унинг самарадорлиги даражасини баҳолаш услубияти;

активларнинг ҳар бир гуруҳи ва кичик гуруҳи бўйича амортизация меъёрлари (ҳисоблаш усуллари).

Ҳисоб сиёсатига мувофиқ ҳисоб ҳужжатларини тузиш ва сақлашга доир талабларда ҳисоб ҳужжатлари қоғозда ва (ёки) электрон шаклларда тузилади ва даъво муддати тугагунга қадар сақланади.

Масалан, бухгалтерия мақсадларида ишлаб чиқилган ҳисоб сиёсатига мувофиқ корхона бухгалтерия автомобилга амортизацияни тезкор (камайиб борувчи қолдиқ) усулини қўллашни белгилайди. Автомобилнинг бошланғич қиймати-100 млн сўм,

хизмат муддати - 5 йил. Солиқ мақсадида эса тўғри чизиқли усулни қўллаш талаб этилади. Натижада:

-бухгалтерия мақсадида ҳисобланган амортизация усули бўйича йиллик сумма - 40 млн сўм;

-солиқ мақсадларидаги амортизация эса -20 млн сўмга тенг бўлади.

Ҳисоб сиёсатини шакллантиришда яна бир мақсадлардан бири - бу молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қўллашга қаратилади. Бунда ҳисоб сиёсати тўлиқ халқаро стандартлар талаблари асосида шакллантирилади. Мазкур ҳисоб сиёсатининг мақсади молиявий ҳисоботнинг асосий фойдаланувчилари, жумладан мавжуд ва потенциал инвесторлар, қарз берувчилар ва бошқа кредиторларни ишончли ва аниқ ахборотлар билан таъминлашга қаратилади.

Хулоса ва таклифлар.

Тадбиркорлик субъектларида ҳисоб сиёсатини шакллантириш концепциясини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш юзасидан айрим фикрлар билдириб ўтилди, бу мавзу долзарб ва ҳамма учун қизиқарли бўлиб, келгусида амалиётчиилар (бош бухгалтер ва ички аудиторлар)нинг фикр мулоҳазалари асосида такомиллаштиришга муҳтож деб ҳисоблаймиз ва хулоса ўрнида қуйидагиларни таъкидлаб ўтамиз:

- ҳисоб сиёсати асосида тадбиркорлик субъектларида бухгалтерия ҳисобининг методикаси ҳисоб объектларни тан олиш, ўлчаш ва ҳисоб рақамларида акс эттиришнинг танлаб олинган усуллари ифодаловчи ҳолатларни кўрсатишни, методологик жиҳатларни баланс ва ҳисоботнинг бошқа шаклларнинг ҳар бир элементи бўйича ифодалаш лозим;

- тадбиркорлик субъекти ҳисоб сиёсатида бухгалтерия ҳисобини юритиш техникаси, бунда бухгалтерия ҳисобини юритиш учун зарур бўлган ишчи счётлар режасини, ҳисоб регистрларини счётларга бириктирилишини, ҳужжатлар шаклларининг тўпламларини, инвентаризацияни ўтказиш муддатлари ва тартибини, замонавий компьютерлар ва бошқа ташкилий техникаси воситаларни, уларни қўллаш учун зарур бўлган классификатор ва кодификаторларни киритиш мумкин;

- тадбиркорлик субъекти ҳисоб сиёсатида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш бухгалтерия ишини танлаб олинган ташкилий шаклини, ҳисоб ходимлари меҳнатини ташкил қилиш усулини, функционал мажбуриятларни бухгалтерлар ўртасида тақсимлашни танланган вариантини, ҳужжатлар айланишининг ташкил қилинишини, бош бухгалтерни тайинланиши, ишдан бўшатилиши, ҳуқуқлари, мажбуриятларини кўрсатиши лозим;

- тадбиркорлик субъекти томонидан белгиланган ҳисоб сиёсати уларнинг молиявий фаолиятини мустаҳкамлигини кўрсатиб беради ва шунингдек, субъектнинг биринчи муҳим ҳолатдаги кўрсаткичлардан ҳисобланади. Бизнинг фикримизча банкнинг ҳисоб сиёсати билан танишмасдан тадбиркорлик субъектига баҳо бериш ва бошқа банклар билан таққослаш ҳамда унинг самарали таҳлилини ўтказиб бўлмайди.

Шунингдек, бухгалтерия ҳисоби мақсадларидаги ва солиқ мақсадларидаги ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг ягона бўлган усулбиётини яратиш мақсадга мувофиқ. Ўз навбатида халқаро стандартлар талаблари асосида молиявий ҳисоботларини трансформация қилаётган тадбиркорлик субъектлари учун эса. Ҳисоб сиёсатини шакллантиришда МҲХС талаблари ва қоидаларини тўлиқ инобатга олиш лозим бўлади.

Адабиётлар / Литература/Reference:

APB 22 (n.d.): Disclosure of Accounting Policies APB 22 STATUS. APB22, Footnote 1-See APB Statement No. 4, This Opinion amends Statement No. 4 insofar as it relates to disclosure of accounting policies.

IFRS (2017). IFRS. [online] Ifrs.org. Available at: <https://www.ifrs.org/issued-standards/list-of-standards/ias-8-accounting-policies-changes-in-accounting-estimates-and-errors/>.

Ind AS, 8 (2019) Indian Accounting Standard (Ind AS) 8 Accounting Policies, Changes in Accounting Estimates and Errors# http://www.mca.gov.in/Ministry/pdf/IndAS8_2019.pdf.

IntechOpen (2018). IntechOpen - open science open minds | intechopen. [online]. Intechopen.com. Available at: <https://www.intechopen.com/>. National Accounting Standards in Turkey.

Japan ASBJ (2020). Accounting Standards Board of Japan (ASBJ). Japanese generally accepted accounting principles (JGAAP) Accounting Standard for Accounting Policy Disclosures, Accounting Changes and Error Corrections. www.asb.or.jp/en/jp-gaap/accounting_standards/y2020/2020-0331-03.html.

JGAAP (2020). Accounting Standards Board of Japan (ASBJ). Japanese generally accepted accounting principles (JGAAP) Accounting Standard for Accounting Policy Disclosures, Accounting Changes and Error Corrections. www.asb.or.jp/en/jp-gaap/accounting_standards/y2020/2020-0331-03.html.

Jumaev N.H., Isaev F.I., Rizaev N.K., (2023) ORGANIZATION OF TURKIC STATES: INTEROPERATION AND ACCOUNTING SYSTEM. Google Scholar, Cite Factor, Researchbib, SJIF, IFSIJ, Index Copernicus va boshqa ko'plab xalqaro ma'lumotlar bazalari bilan indekslangan Open Access Peer Reviewed International Journal. <https://journalzone.org/index.php/bjgesd/issue/view/14>.

Karimov A.A., Rizaev N.K., Djumanov S.A. (2020). Financial reporting and accounting policies. «Science and education in the modern world: challenges of the xxi century» материалы VII Международной науч-прак. конф. (экономические науки) / Нур-Султан, 2020 . 105-108 p. conferences2018.kz@gmail.com.

Rizaev N.K. (2023) ADJUSTING NATIONAL ACCOUNTING STANDARDS IN COMPLIANCE WITH INTERNATIONAL STANDARDS IN UZBEKISTAN (as exemplified by intangible assets). PEDAGOGICAL SCIENCES AND TEACHING METHODS. VOLUME 2 , ISSUE 19 JANUARY 2023. Collection of Scientific Works. BERLIN 11 JANUARY 2023 Interonconf.com. 93-108 б.

Rizaev N.K., Khotamov K.R. (2020). Experience of Japan in introducing International Financial Reporting Standards // Electronic-scientific journal "Finance and Banking". – Tashkent, №1, 105-117 p. <http://journal.bfa.uz/archive>.

БҲМС 1 (1998). "Ҳисоб сиёсати ва млявий ҳисобот" 1-сон БҲМС. [Ўз Рес Адлия вазирлиги 1998 йил 14 августда 474-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган]. <https://lex.uz/docs/828581>.

ПБУ1 (2008) Положение по бухгалтерскому учету "Учетная политика организации" (ПБУ 1/2008). Приложение N1 к Приказу Министерства финансов Российской Федерации от 06.10.2008 N 106н http://www.consultant.ru/document/cons_doc_law_164/2d52707f5a4d5314b9e470a9bf59cb826ec848dd/.

ПҚ-4611 (2020). Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 4611-сонли қарори. 2020 йил 24 феврал. <https://lex.uz/docs/4746047>.

Ризаев Н.К., (2020). Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида банкларида ҳисоб сиёсатини такомиллаштириш. // "Логистика ва иқтисодий электрон-илмий журнали. - Тошкент, №1, 70-80 б. <http://economyjournal.uz/>.